

ИМОМ ШАХРИСТОНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА ОЛИМ АСАРЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР

НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ ИМАМА ШАХРИСТАНИ И ПОДХОДЫ К ИЗУЧЕНИЮ ЕГО НАУЧНЫХ ТРУДОВ

IMAM SHAHRASTANI'S SCIENTIFIC HERITAGE AND APPROACHES TO THE STUDY OF HIS SCIENTIFIC WORKS

Abdupattaev MUMIN MIRZO.

*Intern-researcher of the International Islamic
Academy of Uzbekistan.*

E-mail: mirzo21@umail.uz

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/PAU/2022/2/7

Аннотация: Бугунги глобаллашув даврида тарихни холисона ўрганиш, миллий ва диний қадриятларни қайта тиклаш, аجدодлардан қолган бой, маънавий-маданий меросни асраб-авайлаш, тадқиқ этиш ҳамда уларни келажак авлодларга етказиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу эса миллатнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий баркамол бўлиб етишишида муҳим омилдир.

Соф исломий эътиқод эгаларини тарбиялаш ва улар орқали кенг халқ оммаси онгига ислом динининг эзгу тушунчаларини етказиш ва турли адашган оқимларга қарши курашиш бугунги кунда юксак вазифага айланди.

Тарихдан маълумки, ислом динидан турли оқим ва фирқалар ажралиб чиққан. Мовароуннахр, Хуросон ва бошқа мусулмон диёрлар олимлари диндан ажралиб чиққан фирқаларнинг турли гоя ва қарашлари, асл моҳиятини очиб бериш ва уларга соф исломий далиллар билан раддия бериш мақсадида муҳим изланишлар олиб боришган ва бу борада катта ютуқларга эришиб, қимматли асарлар ёзиб қолдирганлар. Мана шундай олимлардан бири – Хуросон минтақасидан чиққан, динлар тарихига оид мўътабар манба қолдирган Абул Фатҳ Шаҳристониёдир. Имом Шаҳристониининг “ал-Милал ва-н-нихал” асарида нафақат ислом динидан ажралиб чиққан фирқалар ҳақида, балки бошқа динлар ва эътиқодларга доир муҳим маълумотлар келтирилган. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунимизда ушбу китоб мазҳаблар тарихини ўрганишда самарали асарлардан бири саналади. Бундан ташқари олим фикҳ, калом, фалсафа каби илм соҳаларида ҳам асарлар ёзиб қолдирган. Бу асарлар бугунги кунимизда ҳам долзарб саволларга жавоб берувчи бебаҳо манбалар сифатида баҳоланади.

Ушбу мақолада олимнинг асарлари, муаллиф ҳақидаги уламоларнинг эътирофлари ва олим асарларининг тадқиқ этишидаги ёндашувлар тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: Имом Шаҳристониий, Ал-Милал ва-н-нихал, калом, фалсафа, динлар тарихи, Шаҳристон, қўлёзма, бағрикенглик

Аннотация: В современную эпоху глобализации важно объективно изучать историю, восстанавливать национальные и религиозные ценности, сохранять, изучать и передавать будущим поколениям богатое духовное и культурное наследие наших предков. Это важный фактор духовного развития нации, особенно молодежи.

Сегодня актуальной задачей является воспитание знатоков истинной исламской веры и доведение благородных идей ислама до сознания широких народных масс, а также борьба с различными отклонившимися течениями ислама.

Из истории нам известно, что от ислама отделялись различные течения и секты. Ученые из Мавераннахра, Хорасана и других мусульманских стран добились значительных успехов в изучении различных идей и взглядов указанных течений и сект, их истинной природы, а также в их опровержении на основе истинных доказательств. Кроме того ими были написаны ценные работы в этой области. Одним из таких ученых является Абу-л-Фатх Шахристани, приехавший из Хорасанского региона и создавший надежный источник по истории религий. «Аль-Милал ва-н-нихаль» имама Шахристани содержит важные сведения не только о сектах, отколовшихся от ислама, но и о других религиях и верованиях. Вот почему на сегодняшний день

from Islam. Scientists from Maverrannahr, Khorasan, and other Muslim countries have achieved significant success in studying the different ideas and views of these movements and sects, and their true nature, in order to refute them based on Islamic evidence. In addition, they wrote valuable works in this area. One of these scholars is Abu-l-Fath Shahrastani, who came from the Khorasan region and created a reliable source on the history of religions. «Al-Milal va-n-Nihal» by Imam Shahrastani contains information about sects that broke away from Islam, other religions, and beliefs. That is why this book is one of the most valuable works in the field of the history of madhhabs. He also wrote works on fiqh, kalam, and philosophy. These works are important sources that provide answers to topical questions today.

This article discusses the works of the scientist, the information about the author, and research methods.

Keywords: Imam Shahrastani, Al-Milal va-n-Nihal, kalam, philosophy, history of religions, Shahrastan, manuscript, tolerance.

КИРИШ

Имом Шахристониининг тўлиқ исми – Муҳаммад ибн Абулқосим Абдулкарим ибн Абу Бакр Аҳмад (Халликон, 2007:273) бўлиб, у Шахристониин нисбаси билан танилган. Олимнинг кунyasi – Абул Фатҳ, лақаби – Тожуддин бўлган. Аллома Хуросоннинг Шахристон шаҳрида туғилган. Ўрта асрларда Шахристон номли шаҳарлар учта бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Нишопур ва Хоразм диёрларининг орасида жойлашган, Хуросоннинг чеккаси ва Хоразм ҳудудларидан бирига туташ, чўлда барпо этилган Шахристон шаҳри. Бу шаҳар тарихда машҳур бўлиб, ундан Абул Фатҳ Шахристониин, Абдуллоҳ Тоҳир Амир Хуросониин ва бошқа кўплаб олимлар етишиб чиққан.

2. Форс диёридаги Сабур, яъни ҳозирги Найсопур шаҳри ҳудудига қарашли шаҳарча ҳам Шахристон деб номланган.

3. Исфаҳоннинг Жий номли шаҳрига нисбатан ҳам Шахристон номи ишлатилган (Халликон, 2007:274).

Тадқиқотчилар Абул Фатҳ Шахристониин туғилиб ўсган ва вафот этган жой Шахристон экани тўғрисида бир хил фикр айтганлар. Лекин олим яшаган давр ҳақида ихтилофлар мавжуд. Унинг туғилган санаси тўғрисида манбаларда уч хил маълумот мавжуд. Улар қуйидагилар:

1. 467/1075 йил
2. 469/1077 йил
3. 479/1086 йил

Биринчи маълумотни Шамсиддин Заҳабий “Сияр аълам ан-нубало” китобида нақл қилган: “Самъониин айтади: Мен ундан Марвда ҳадис ёзиб олганман. Менга айтишича, у ҳижрий 467 йилда таваллад топган экан” (Халликон, 2007:274).

Шахристониининг таваллуд санаси тўғрисидаги иккинчи маълумотни Ёқут Ҳамавий “Мўъжам ал-булдон” асарида келтириб, шундай дейди: “Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Муҳаммад Хоразмий “Тарихи Хоразм” асарида айтади: “Олимнинг таваллуди 469 йилда бўлган” (Ҳамавий, 2006:377). Карл Брокельман ҳам ушбу маълумотни тасдиқлаган (Брокельман, 1937:762).

Учинчи маълумотни Ибн Халликон ўзининг “Вафаёт ал-аъён” асарида келтиради. “Унинг туғилиши 467 йил Шахристонда бўлган. Буни мен коралама хатларимдан топдим. Лекин уни қаердан нақл қилганимни билмайман. Самъониин “Зайл” китобида айтади: “Мен ундан таваллуд топган йили ҳақида сўрадим. У “479 йилда туғилганман, деб айтди” (Халликон, 2007:274). Бу маълумотни Тожуддин Субкий ва Ибн Ҳожар ҳам қайд этганлар.

Британиялик шарқшунос олим, “Лондон қироллик жамияти” аъзоси (1838), “Санкт-Петербург Фанлар Академияси” аъзоси (1862) Уильям Кюртон томонидан 1842-1846 йилларда амалга оширилган “ал-Милал ва-н-ниҳал”нинг таҳқиқи муқаддимасида Шахристониининг ҳижрий 479/1086 йилда туғилгани қайд қилинган (Cureton W., 1864:474).

Олимнинг вафоти ҳақида эса ихтилофлар йўқ. Шахристониин 548/1153 йилда вафот этган (Халликон, 2007:274), (Ҳамавий, 200

2. “Ниҳоят ал-икдом фи илм ал-калом” (نهاية الإقدام في علم الكلام).

Калом илмига бағишланган ушбу асар фалсафий тарзда ёзилган. Асарнинг биринчи замонавий нашри 1934 йилда инглиз шарқшуноси Алфред Гийом томонидан амалга оширилган. Алфред Гийом китобнинг мукаддимасида Шахристониининг ҳаётини ҳам ёритган ва китобнинг бошқа нусхалари ҳам мавжудлиги ҳақида ёзган. Китобнинг ўндан ортиқ қўлёзма нусхалари мавжуд (Mumin Mirzo, 2022:536).

3. “Мусораъат ал-фалосифа” (مصارعة الفلاسفة).

Фалсафага оид асар. Муҳаммад Шерозий китоб ҳақида шундай дейди: “Бу китобни ҳижрий 540 (1145) йиллар атрофида Мажиддин Абулқосим Али ибн Жаъфар Мусавий учун ёзган” (Мухтор, 1395:92). Ушбу асар Доктор Суҳайр Муҳаммад Мухтор таҳқиқи остида 1976 йилда нашр қилинган.

4. “Мафотих ал-асрор ва масобиҳ ал-аброр” (مفاتيح الاسرار و مصابيح الابرار).

Бу асарни муаллиф таржимаи ҳоли билан шугулланган олимлар унинг китобларидан бири, деган фикрга келишган. Китоб тафсир илмига бағишланган бўлиб, Шахристониини ҳижрий 538 (1143) йили ёзишни бошлаган. Бу китобда “Фотиҳа”, “Бақара” ва “Оли Имрон” суралари тафсир қилинган. Бу тафсир, кўп олимларнинг наздида “исмоилийлик эътиқодидан келиб чиққан ҳолда ёзилган” деб баҳоланади. Аммо бу сўзлар ўз исботини топган эмас.

5. “Баҳс фи-л-жавҳар ал-фард” (بحث في الجوهر الفرد).

Бу китобни Алфред Гийом чоп этиб, “Ниҳоят ал-икдом” китоби таркибига қўшган. Тадқиқотчилар бу асарни алоҳида китоб ёки китобнинг бир қисми экани ҳақида баҳс қилишган. Лекин у Шахристониини қаламига мансуб эканида бир фикрда бўлишган. Олимлардан Доктор Муҳаммад Бадрон ва Муҳаммад Тақий Дониш уни алоҳида бир китоб деб ҳисоблашган.

“Ушбу асар Шахристониининг яна бир асари “Ниҳаяту авҳам ал-ҳукамо ал-илаҳиййин” да келган “жавҳар” ва “араз” тўғрисидаги масалаларидан биридир”, деган олимлар ҳам бор. Масалан, Доктор Суҳайр Мухтор айтади: “Шунга кўра: “Алфред Гийом “Ниҳоят ал-икдом” асарига қўшган “Жавҳар ал-фард” масаласи “Ниҳаяту авҳам ал-ҳукамо ал-илаҳиййин” китоби ўз ичига олган йигирмата масаланинг биридир” (Мухтор, 1395:99).

6. “Мажлис фи-л-халқи ва-л-амри” (مجلس في الخلق و الامر).

Китоб форс тилида ёзилган. У муаллифнинг Хоразмда ўтказган илм мажлисларидан биридаги маълумотларни ўз ичига олади. У бир неча марта форс тилида нашр этилган бўлиб, унда “инсоннинг яратилиши” ва “фаришталарнинг саждага амр этилиши” ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Суҳайр Муҳаммад Мухтор бу китоб ҳақида шундай дейди: “Шахристониини турли ақидалар, динлар, файласуфлар, ҳаким ва муфассирларнинг сўзларидан хабардор бўлгач, бу илмий мажлисларида инсонларнинг зехнларига ҳамда тингловчиларнинг қулоғига чиройли таъсир қилиш мақсадида қисқа иборалар ва қофияли сўзларни келтира бошлади” (Мухтор, 1395:82).

Юқоридаги асарлар бугунгача етиб келган асарлар ҳисобланади. Имом Шахристониининг қуйидаги асарлари бизгача етиб келмаган бўлса-да кўплаб тарожим ва маноқиб китобларида зикр қилинган.

1. “Қиссату Муса ва Ҳизр” (قصة موسى و حضر).

Байҳақий айтади: “Шахристониининг кўп китоблари бўлиб, Мусо ва Ҳизр қиссас

аш-шофеъия ал-кубро” асарида: “Унга эгаллаган илмлари эътиборидан “Афзал” деб лақаб қўйилган. Шаҳристоний кўзга кўринган имом, калом ва мунозара илмида пешқадам ва фикҳ, усул илмларида моҳир эди”, дейди (Субкий, 2015:78).

Ёқут Ҳамавий, “Шаҳристоний ашъарий мазҳабининг етук олими, имом, донишманд, мутакаллим ва фикҳ илмида моҳир, калом илмида ягона, зеҳни ўткир, ширин сўзли ва воиз киши эди”, – деб зикр қилади (Ҳамавий, 2006:377).

Шамсиддин Заҳабий ўзининг “Сияру аълам ан-нубало” китобида, “У “Афзал”, калом ва ҳикмат аҳлининг шайхи, кўп китоблар соҳиби эди. Фикҳда моҳир, зеҳни ва фаҳми кучли ҳамда сўзамол киши эди”, – деб зикр қилади. (Заҳабий, 1996:286-287)

Олим ҳақидаги бундай сўзларни фақат у билан замондош олимлар эмас, балки кейингилар ҳам айтишган. Жумладан: “Доиратул маъориф ал-исламия” китобида шундай дейилган: “У ўрта асрларда Шарқдаги турли дин ва эътиқодларни ўрганган тарихчилар ичида кўзга кўринган киши эди” (Шарқшунос олимлар жамоаси, 2002:424).

Хайруддин Зириклий “Аълом” асарида: “У ислом фалсафачиларидан бўлиб, калом, турли динлар ва фалсафачилар мазҳаби илмларида имом эди. Унга нисбатан “Афзал” лақаби ишлатилган”, – дейди. (Зириклий, 1984:215).

Зухдий Жоруллоҳ айтади: “У тарихчи олимлар ичида энг холиси, мулойими, қалби очиғи ва узокни кўра биладигани эди” (Зухдий, 1366:186).

Муҳаммад Шафиқ Ғурбол ўзининг “ал-Мавсуъа ал-арабия ал-муяссира” асарида: “У форс олими бўлиб, фикҳ, калом илми ва турли динлар борасида таҳқиқчи олим. Сўзи ва мавъизаси чиройли киши эди”, – дейди. (Ғурбол, 1965:1098)

Юқоридаги таърифлар олимнинг илмига, шахсий фазилатларига берилган ижобий баҳолар ҳисобланади.

Шунингдек, ўрта аср манбаларида Шаҳристоний тўғрисидаги яна бир ихтилоф унинг қайси эътиқодга мансуб эканида бўлган. Айримлар олимни исмоилий эътиқодида бўлганини таъкидлаган бўлса, айримлар ашъария эътиқодининг йирик намояндаси сифатида билишган.

Олимнинг замондоши Абу Саъд Самъоний ўзининг “ат-Таҳбир фи мўъжам ал-кабир” асарида: “У зиндиклик ва уларга мойилликда айбланган. У шиаликда ғулувга кетган эди”, – дейди.

Самъонийнинг ушбу фикрига Тожуддин Субкий раддия берган. “Шаҳристоний тоғлардаги қалъаларда яшовчи инсонларга мойилликда айбланган”,

– дейди Тожиддин Субкий (Субкий, 2015:128-130). “Тоғлардаги қалъаларда яшовчилар”дан шу англашиладики, Шаҳристоний яшаган даврда шиаликнинг ҳаддан ошган тоифаларидан бўлган исмоилий-ботинийлар тоғлардаги қалъаларни ўзларига маскан қилиб олган эди.

Шунингдек, Тожиддин Субкий Имом Заҳабийнинг сўзларини ҳам келтиради: “Шайхимиз Заҳабий ўзининг “Тарих”ида Шаҳристонийни ўзи каби шофий бўлганини таъкидлаб, Самъонийнинг даъвосига қаттиқ қаршилик билдириб айтган: “Ибн Самъоний буни (Шаҳристонийнинг шиа эътиқодида эканини) қаердан олганини билмайман, чунки Абул Фатҳнинг асарлари бунинг аксини кўрсатади” (Субкий, 2015:128-130).

Худди мана шу жиҳат, яъни Шаҳристонийнинг қайси эътиқодга мансуб эканлиги ғарб диншунос олимлари ўртасида ҳам муҳокамага сабаб бўлган.

МУҲОКАМА

рад қилиб, бутларга топинадиганларга ажралган. “Муҳассилалар” таълим кўрган инсонлар бўлиб, улар уч турдаги илм билан шуғулланганлар. Бу илмлар: “Насаб илми”, “Тарих” ва “Эътиқодлар”га оид илмлар эди. “Муаттилар”дан фарқли равишда улар, Аллоҳга, охиратга ва пайғамбарликка ишонишар эди” (Шаҳристони, 2001:578-590).

Э.Покок шунингдек, “араблар орасида насронийлар ва яҳудийларга мойил инсонлар бор эди”, – деган фикрини Шаҳристониининг сўзлари билан қувватлайди. “Шаҳристони ўзининг асарида ёзади: “Араблар орасида яҳудийлик, насронийлик ва собийликка мойиллар ҳам бор эди. Собийликка майл билдирганлар мунажжимларнинг сайёраларга эътиқод қилганларидек, юлдузларга эътиқод қилишар эди. Шунинг учун улар ҳар доим ўзларининг ҳаракатларини, дам олишларини ва саёҳат қилишларини юлдузларнинг жойлашишига қараб, амалга оширишар эди. “Юлдузлар туфайли ёмғир ёғди”, – дейишарди. Баъзилари фаришталар ва жинларга сиғиниб, уларни “Аллоҳнинг қизлари” деб, даъво қилишарди. Аллоҳ таоло булардан олийдир” (Рососке, 1806:140-141). Э.Покок ушбу маълумотдаги “Аллоҳ таоло” ибораси ўрнига “Яратган” сўзини қўллайди. Сўнгра тадқиқотчи арабларнинг насроний ва яҳудий қабиаларини санаб ўтади. “Христианлик арабларнинг Робия ва Ғассон қабиалари орасида, яҳудийлик Ҳимярда, Бани Кинона ва Бани Хорис қабиаларида, сеҳргарлик Бани Тамим қабиаларида тарқалган эди” (Рососке, 1806:141).

Э.Покок араблар сиғинган бутлар, собийлар эътиқод қилган сайёралар ва юлдузлар, яҳудийларнинг араб диёрларига кириб келишлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам айнан Шаҳристонидан келтирган. Бу ёндашув, Имом Шаҳристониининг ушбу асари ўрта асрлар Европасида машҳур эканидан далолат беради.

Британиялик шарқшунос олим Уильям Кюртон 1842-1846 йиллар оралиғида олимнинг “ал-Милал ва-н-ниҳал” асарининг таҳқиқини амалга оширган. Таҳқиқнинг муқаддимасида аллома тўғрисида маълумотлар берган. У.Кюртон, Имом Шаҳристони Хуросон вилоятларидан бўлган Шаҳристонда 476 ҳижрий йилда ёки, 1086 йил милодий йилда таваллуд топганини, фикҳ илмини Аҳмад Ҳавафий ва Абу Наср Қушайрийдан, калом илмини Абул Қосим Ансорийдан ўрганганини ва олим ашъария эътиқодида бўлганини қайд қилган. Шунингдек, олимнинг “Ниҳоят ал-икдом”, ушбу китоб (“ал-Милал ва-н-ниҳал” назарда тутиляпти), “Талхис ал-ақсом”, “Мусораат ал-фалосифа”, “ал-Маноҳиж” ва

“Тарих ал-хукамо” асарлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар берган (Cureton W., 1864:475).

У.Кюртон “ал-Милал ва-н-ниҳал” Европада дастлаб Э.Покок, ундан сўнг католик файласуфи ва тилшунос олим, Библиянинг араб тилига таржимасини амалга оширган Иброҳим Ҳақиллоний (Абраҳам Эхелленсис номи билан танилган, 1605-1664) томонидан ўрганилганини қайд этган. И.Ҳақиллоний томонидан 1661 йилда тузилган “Муҳаммадий фирқалар” (“Muhammadan sects”) номли рўйхат ушбу асар асосида шакллантирилган. Шу билан бирга, тадқиқотчи “ал-Милал ва-н-ниҳал”нинг икки қўлёзма нусхаси Лейден университети кутубхонасида №447 ва №711 рақамлар остида сақланиши тўғрисида ҳам маълумот берган.

“№477 рақам остидаги нусха 613/1217 йилда олимнинг вафотидан 65 йил ўтиб, Закариё ибн Баракот томонидан кўчирилган. Бу қўлёзма нусхада кўплаб грамматик хатолар бор. У 240 варақдан иборат. Асарнинг №711 рақам остидаги қўлёзмаси эса тўлиқ эмас. Бу қўлёзма, асарнинг аввалидан “Буюк Ҳермеснинг ҳикматлари” (“حكم هرمس العظيم”) фаслигача бўлиб, қолган қисми мавжуд эмас. Қўлёзманинг умумий саҳифаси 200 варақни ташкил этиб, чиройли хат билан кўчирилган. Мен бу икки қўлёзмадан ҳам фойдаланганман”, – деб ёзади У.Кюртон (Cureton W., 1864:479).

ва-н-ниҳал”нинг француз тилига илк таржимаси амалга оширилган.

1984 йилда рус исломшунос олими, тарихчи Станислав Михайлович Прозоров томонидан “Шарқ кўлэзма ёдгорликлари” туркумининг 75-сони доирасида “ал-Милал ва-н-ниҳал”нинг биринчи китоби, “Ислом бўлими” рус тилига таржима қилинган. Таржиманинг муқаддимаси уч қисмга бўлинган бўлиб, биринчи қисмда исломдаги эътиқодий бўлинишлар тарихи, иккинчи қисмда исломдаги фирқалар тўғрисида асар ёзган мусулмон олимлар, учинчи қисмида эса Шаҳристониининг ҳаёти ва асарлари тўғрисида маълумот берилган. Прозоровнинг таъкидлашича, “ал-Милал ва-н-ниҳал”нинг форс тилига қилинган энг биринчи таржималаридан бири темурий ҳукмдор Шохрухнинг буйруғига биноан Муҳаммад Садр Торик Хўжандий Исфохоний (ваф. 850/1447) томонидан амалга оширилган (Прозоров С., 1984:22).

Асарнинг замонавий инглизча таржимаси 1984 йилда инглиз шарқшунослари А.Кази ва Ж.Флин томонидан амалга оширилган. Бу таржимада хатоликлар ва изоҳ талаб этадиган кўплаб тушунмовчиликлар бор. Таржимада фирқалар номлари нотўғри ёзилган.

Француз шарқшунослари Даниель Гимарет ва Гай Моннот томонидан 1986 йилда “ал-Милал ва-н-ниҳал” яна бир француз тилига таржимаси амалга оширилган. Таржиманинг кириш қисмида Даниэль Гимарет Шаҳристониини “ашъарий илоҳиётчи” сифатида баҳолайди. Гай Моннот эса уни “исмоилий-ботиний” деб ҳисоблайди (Monnot, 1986:63).

Британиялик арабшунос олим Альфред Гийом (1888-1965) 1931 йилда Шаҳристониининг “Ниҳоят ал-икдом фи илм ал-калом” асарининг таҳқиқини амалга оширган. 1934 йилда эса асарнинг таржимаси амалга оширилиб, “Шаҳристониининг умумий фалсафаси: Китаб ниҳоят ал-икдом фи илм ал-калом” (“The summa philosophiae of Al-Shahrastani: Kitab nihayatu’l-iqdam fi ‘ilmi’l-kalam”) номи билан нашр қилинган. Таржиманинг муқаддимасида А.Гийом: “Ниҳоят ал-икдом фи илм ал-калом” Шаҳристониий томонидан “ал-Милал ва-н-ниҳал”нинг давоми сифатида ёзилган. У фирқалар эътиқодларини ёритишда ҳаддан ташқари ҳолис эди. Аммо бу китобда адашган ислом фирқаларига нисбатан кескин муносабатда бўлган. Унинг мақсади ўз даврининг мутафаккирларига эргашган ҳолда фирқаларнинг эътиқодлари суннийлик таълимотига қанчалик тўғри келиши ёки келмаслигини ақлий жиҳатдан кўрсатиш эди. Шаҳристониий бу асарида,

асосан фалсафага қаттиқ таянган мўтазилаларга қарши ақлий далиллар келтирган. Шаҳристониий ашъария мактабининг энг йирик намояндаларидан бири ҳисобланган”, – дейди (Guillaume, 1934:9).

А.Гийом ушбу асарни Имом Ашъарийнинг “Мақолот ал-исломийийин” асари билан таққослайди. “Бу икки асар теологик ва фалсафий жиҳатдан бошқа асарлардан устундир” (Guillaume, 1934:10). Бундан ташқари у, алломани Имом Ғаззолий билан ҳам таққослаб, олимнинг фалсафаси Ғаззолий фалсафасидан кам бўлмаганини, “Ниҳоят ал-икдом” Ғаззолийнинг “Таҳфут ал-фалосифа”си билан баробар эканини айтади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Шаҳристониий Имом Ғаззолийнинг “Таҳфут ал-фалосифа” асарида илҳомланиб, ўзининг “Мусораат ал-фалосифа” асарини ёзган.

А.Гийом алломанинг ҳаётига оид маълумотларни келтирмайди. Бу ишни ундан аввал У.Кюртон амалга оширганини, у эса фақатгина бир кўшимча кўша олганини айтади: “Шаҳристониининг ҳаётига оид барча маълумотларни Кюртон “Милал”нинг таҳқиқига келтириб ўтган. Менинг бунга ягона кўша оладиган маълумотим Субкийнинг “Табақот ал-кубро”сида: “Заҳабий “Тарихи”да, Самъоний томонидан унинг исмоилийликда айбланганини келтиради”, – деган жумла бўлди ҳолос. Заҳабий Самъоний буни қаердан олганини билмалигини айтган: “Шаҳристониининг асарларида исмоилийларнинг бидъатлари тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Унинг барча асарлари б

ракам остидаги ва Париждаги Миллий кутубхонасида №1246 ракам остида сақланаётган қўлёзмалардан фойдаланганини, тўртинчи “Жени кутубхонаси”да сақланаётган қўлёзмадан фойдаланиш имконсиз бўлганини айтади (Guillaume, 1934:12).

А.Гийом асарнинг таржимасини Бодлеан кутубхонасида №356 ракам остида сақланаётган қўлёзмадан амалга оширган. Бу қўлёзманинг биринчи қисми ҳижрий 590 йил, Шаввол ойининг 19-куни, жума куни тугалланган. Иккинчи қисми Шахристониё вафотидан қирқ йил ўтгандан сўнг, ҳижрий 593 йил, Робиул аввал 10-куни тамомланган. Бу қўлёзманинг бошқаларидан афзал жиҳати, у тўғридан-тўғри асл манбадан кўчирилганидир. Қўлёзма насх ёзувида, Усмон ибн Юсуф ибн Абдуллоҳ исмли котиб томонидан кўчирилган бўлиб, 304 варақдан иборат. Бу қўлёзма Ҳалабда савдо билан шуғулланган Хантингтон исмли инглиз руҳонийси томонидан 1696 йилда сотиб олинган. 1713 йилда Архиепископ Нарсиссус Марш (1638-1713) томонидан Бодлейн кутубхонасига совға қилинган. Шунинг учун бу қўлёзманинг яна бир номи “Марш қўлёзмаси” деб аталади.

Берлиндаги қўлёзма 172 варақдан иборат бўлиб, саҳифалар ўлчами 19х15см. Бу қўлёзма ҳижрий 607 йил Сафар ойининг 10-куни Исмоил ибн Мурҳақ ибн Муҳаммад ибн Форис Ҳассоний томонидан амалга оширилган.

Париждаги қўлёзма 211 варақдан иборат. Саҳифалар ўлчами 24х16 см. Бу нусха 580 ҳижрий йилнинг Жумадул ула ойининг охирларида Исҳоқ ибн Умар ибн Муҳаммад Шарвоний томонидан кўчирилган.

Мана шу уч қўлёзма А.Гийом томонидан таҳқиқ қилинган ва 1931 йилда асарнинг танқидий нашри тайёрланган. Ушбу таҳқиқ бугунги кунда ҳам эътиборли таҳқиқлардан ҳисобланади.

Сидней университети профессори, “дин феноменологияси”, динлараро диалог ва замонавий христиан миссионерлиги тарихи мутахассиси Эрик Жон Шарп (1933-2000) ўзининг 1986 йилда нашр этилган “Comparative Religion: a history” (Қиёсий дин: тарих) асарида Шахристониё илмий мероси тўғрисида шундай деган: “Жаҳон адабиётида биринчи бўлиб динлар тарихини ёзиш шарафи мусулмон Шахристониёга тегишли. Унинг “Динлардаги оқимлар ва фалсафий таълимотлар” асарида ўша даврда Хитой чегараларига қадар маълум бўлган дунёдаги барча динларни тавсифланган ва тизимлаштирган. Бу ажойиб асар

насроний ёзувчилари ўша даврда ярата олган барча нарсадан устун” (Sharpe, 1991:11).

Алломанинг яна бир асари “Мусораат ал-фалосифа” ҳам Ғарб олимлари томонидан ўрганилган ва тадқиқ қилинган. Германиялик исломшунос олим, эроншунос “Халқаро Форобий мукофоти” совриндори, Лондон Исмоилий илмлар институти профессори Уилфред Маделунг ва Лондон Исмоилий илмлар институти илмий ходими Тоби Майер 2001 йилда Шахристониёнинг “Мусораат ал-фалосифа” асарини “Struggling with the philosopher: a refutation of Avicenna’s metaphysics / a new arabic edition and english translation of Muhammad b. ‘Abd al-Karīm b. Ahmad al-Shahrastānī’s “Kitāb al-Muṣāra‘a” (“Файласуф билан кураш: Ибн Сино метафизикасини рад этиш / Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Аҳмад Шахристониёнинг “Китоб ал-мусораа” асарининг янги арабий нашри ва инглизча таржимаси”) номи билан инглиз тилига таржимасини амалга оширишган.

Тоби Майер шунингдек, алломанинг яна бир асари “Мафотих ал-асрор ва масобих ал-аброр”ни инглиз тилига таржима қилган. Таржима 2009 йилда “Keys to the Arcana: Shahrastānī’s esoteric commentary on the Qur’an: a translation of the commentary on Sūrat al-Fātiḥa from Muḥammad b. ‘Abd al-Karīm al-Shahrastānī’s “Mafātīḥ al-asrār wa maṣābiḥ al-abrār” (“Аркана калитлари: Шахристониёнинг Қуръонга эзотерик тафсири: Муҳаммад ибн Абдулкарим Шахристониёнинг “Мафотих ал-асрор ва масобих ал-аброр” асарида Фотиҳа сурасинин

мактуб” асарини “Command and creation: a Shi’i cosmological treatise: a Persian edition and English translation of Muhammad al-Shahrastani’s Majlis-i Maktub” (Буйруқ ва яратилиш: Шиъа космологик рисоласи: Муҳаммад Шаҳристониининг “Мажлиси мактуб” асарининг форсий нашри ва инглизча таржимаси) номи билан инглиз тилида нашр этган. Шу билан бирга бугунги кунда Муҳаммад Дарюш Пур томонидан “ал-Милал ва-н-нихал” асарининг инглиз тилига таржимаси ҳам амалга оширилмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Шаҳристониий илмий меросини ўрганиш бугунги даврда ҳам давом этмоқда. Ғарб олимлари Шаҳристониини қиёсий диншуносликнинг асосчиларидан деб билишлари улар олиб борган тадқиқотлардан маълум. Баъзилар олимни ислом файласуфларининг энг ёрқин намояндаси сифатида талқин қилса, яна баъзи олимлар Шаҳристониини ашъария таълимотининг ривожига муносиб ҳисса қўшган мутакаллим сифатида баҳолайдилар.

Бир сўз билан айтганда Шаҳристониий ўз даврининг барча илмларини мукамал ўрганган. У ўз асарларида замонасининг долзарб муаммоларига жавоб берган. Асарларининг бошқа олимлар асарларидан ажралиб турадиган жиҳати шуки, у доим рационалликка аҳамият қаратган. Баҳсдошининг фикрларини ҳамиша ҳурмат қилган.

Олим асарларида кўтарилган долзарб масалаларга муносабат билдиришда ҳолисликдан четга чиқмаган. Бошқа эътиқодларга нисбатан бағрикенг муносабатда бўлган. Ўзга дин вакилларини танқид қилмаган. Шаҳристониининг асарлари самарали бўлгани учун ўша даврдаги олимлар ҳам ҳозирги кундаги тадқиқотчилар ҳам улардан кенг камровда фойдаланиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Carl Brockelmann. (1937). *Geschichte Der Arabischen Litteratur*. Leiden: E.J.Brill.
2. Cureton W. (1864). *Book of Religious and philosophical sects by Muhammad al-Shahrastani*. London: Publication of oriental texts.
3. Ganiyev A., & Umaraliev S. (2020). *The role of zakat in the early stages of the islamic civilisation*. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 25, 441-444.
4. Guillaume A. (1934). *The Summa Philosophiae of Al-Shahrastānī: Kitabu Nihayati'l-iqdam Fi 'ilmi'l-kalam*. Oxford: Oxford University Press.
5. Latief H. (2006). *Comparative Religion in Medieval Muslim Literature*. AMERICAN JOURNAL OF ISLAMIC SOCIAL SCIENCE. (№. 23.), P. 28-62.
6. Monnot D. G. (1986). *Livre des religions et des sectes*. Leuven: Peeters.
7. Mumin Mirzo A. (2022). *The role of imam Shahrastan's scientific heritage in the development of islamic sciences*. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal (Vol. 12, Issue 01.), 530-538.
8. Muxtarov B. (2019) “*The book of Nasiruddin Samarkandi's “riyadh ul-ahloq” – as a important source on upbringing morality*”. The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 18.
9. Muxtarov B. (2021) *The Importance of “al-Fiqh an-nofe” in solving modern social problems* // ACADEMICIA an International Multidisciplinary Research Journal Kurukshetra, India issue 4, volume 11 published April. P. 1161-1166.
10. Muxtorov B. (2019) «*Codicological analysis of manuscripts of work “al-Fiqh al-nofe”*». The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 11.
11. Nematullo Mukhamedov & Nurullo Turambetov. (2021). *The origins of religious tolerance in Central Asia*. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 10(12), 68–73. Retrieved from <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/105>
12. Pococke E. (1806). *Specimen historiae Arabum*. Oxford: Clarendon Press.
13. Sharpe E. J. (1991). *Comparative Religion: A History*. Illinois: Open Court.
14. Прозоров С.М.. (1984). *Книга о религиях и сектах*. Москва: «Наука».
51. أبو الفتح الشهرستاني. (2001). الملل و النحل. بيروت. دار المعرفة.
61. القاهرة. أبو الفتح الشهرستاني. (2009). نهاية الإقدام في علم الكلام مكتبة المسنة.
71. وفيات الأعيان وأنباء أبناء الزمان (ج – 4). (2007). ابن خلكان. بيروت. دار الصدر.
81. تاريخحكماء الإسلام. دمشق. مطبعة الترقى. بيهقي. (5631 هـ).
91. تاج الدين السبكي. (2015). طبقات الشافعية الكبرى. (ج – 4). بيروت. دار المعارف.
02. خير الدين الزركلي. (1994). كتاب الأعلام للزركلي. (ج – 6). بيروت. دار العلم للملايين.
12. زهدي. (1366 هـ). المعنزة. القاهرة. تطبعة مصر.
22. (1395 هـ). الشهرستاني وأفكاره في علم

REFERENCES:

1. Carl Brockelmann. (1937). *Geschichte Der Arabischen Litteratur* (Arab adabiyoti tarixi). . Leiden: E.J.Brill.
2. Cureton W. (1864). *Book of Religious and philosophical sects by Muhammad al-Shahrastani*. . London: Publication of oriental texts.
3. Ganiyev A., & Umaraliev S. (2020). The role of zakat in the early stages of the islamic civilisation. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)*, 25, 441-444.
4. Guillaume A. (1934). *The Summa Philosophiae of Al-Shahrastānī: Kitabu Nihayati'l-iqdam Fi 'ilmi'l-kalam*. . Oxford: Oxford University Press.
5. Latief H. (2006). Comparative Religion in Medieval Muslim Literature. *AMERICAN JOURNAL OF ISLAMIC SOCIAL SCIENCE*.(№. 23.), P. 28-62.
6. Monnot D. G. (1986). *Livre des religions et des sectes*. Leuven: Peeters.
7. Mumin Mirzo A. (2022). The role of imam Shahrastan's scientific heritage in the development of islamic sciences. *Academicia an International Multidisciplinary Research Journal* (Vol. 12, Issue 01.), 530-538.
8. Mukhtarov B. (2019). The book of Nasiruddin Samarkandi's "Riyadh ul-ahloq" – as a important source on upbringing morality. *The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 18*.
9. Mukhtarov B. (2019) Codicological analysis of manuscripts of work "al-Fiqh an-nofe". *The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 11*.
10. Mukhtarov B. (2021) The importance of "al-Fiqh an-nofe" in solving modern social problems // *Academicia an International Multidisciplinary Research Journal Kurukshetra, India issue 4, volume 11 published April*. P. 1161-1166.
11. Nematullo Mukhamedov & Nurullo Turambetov. (2021). The origins of religious tolerance in Central Asia. *International journal of social science & interdisciplinary research* ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 10(12), 68–73. Retrieved from <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/105>
12. Pococke E. (1806). *Specimen historiae Arabum*. Oxford: Clarendon Press.
13. Sharpe E. J. (1991). *Comparative Religion: A History*. Illinois: Open Court.
14. Prozorov S.M.. (1984). *Kniga o religiyax i sektax*. Moscow: «Nauka».
15. Abu al-Fath ash-Shahrastani. (2001). *Kitab al-Milal wa al-Nihal*. Beirut: Dor al-ma'rifa.
16. Abu al-Fath ash-Shahrastani. (2009). *Nihāyat al-aqdām fi 'ilm al-kalām*. Cairo: Maktabat al masnaa.
17. Ibn Khallikan. (2007). *Wafayāt al-A'yān wa-Anbā' Abnā' az-Zamān*. (Vol. 4). Beirut: Dar al-sadr.
18. Bayhaqī (1365 h.). *Tarikh-i hukama al-Islam*. Damascus: Matbaa at-taraqqi.
19. Taj al-din al-Subki. (2015). *Ṭabaqāt al-Šāfi'iyyā—Kubrā*. (Vol. 4). Beirut: Dar al-maarif.
20. Khayr al-Din al-Zirikli. (1984). *Al-A'lām*. (Vol. 6). Beirut: Dar al-ilm li-l-malayin.
21. Zuhdi. (1366 h.). *Al- Mu'tazila*. Cairo: Matbaat-i Misr.
22. Sukhair Muhammad Muxtor. (1395 h.). *Al-Shahrastani va his thoughts on the ilm al-kalam*. Cairo: University Ayn Shams.
23. Shams ad-Dīn adh-Dhahabī (1996). *Siyar a'lām al-nubala*. (Vol. 20). Beirut: Muassasa al-risala.
24. Muhammad Shafeeq Gurbol. (1965). *Al-Mavsu'a al-arabiyya al-muyassira*. (Vol. 2). Beirut: Dar ihya al-turas al-arabiy.
25. Yaqut al-Hamawi. (2006). *Kitāb Mu'jam al-Buldān*. (Vol. 3). Beirut: Dor al-sadr.